

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**БЕГМАТОВА ДИЛНОЗА МУХТАРОВНА**

**ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Бегматова Дилноза Мухтаровна**

Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик  
шарт-шароитлари ..... 5

**Бегматова Дилноза Мухтаровна**

Педагогические условия обеспечения профессиональной социализации  
молодёжи в семье ..... 23

**Begmatova Dilnoza Mukhtarovna**

Pedagogical conditions of providing the professional socialization of youth in the  
family ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**БЕГМАТОВА ДИЛНОЗА МУХТАРОВНА**

**ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped 398 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Махмудова Муяссар Махмудовна</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эгамбердиева Нодира Мелибаевна</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Ҳасанова Кибриё Ҳасановна</b> педагогика фанлари номзоди, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz).)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ёшларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашуви масаласи инсон капиталини яратишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилиб, оилаларда ижтимоий тарбияни ташкил этишнинг инновацион механизмларини такомиллаштириш, ёшларни мақсадли касбга йўналтиришнинг интерактив дастурий воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Техноген цивилизация шароитида ёшларнинг ижтимоийлашуви ривожланиш назариясига устуворлик бериш, оила ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий онгни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро миқёсда ижтимоийлашувнинг ички ва ташқи омиллари, таъсир ва акс таъсир масалалари, ижтимоийлашувда маънавий, ахлоқий, диний, маърифий, маданий қадриятлар, идеаллар, норма, талаблар ўрни, персонализация ва интеграция, ижтимоий ҳаёт мезонлари, демократик ва миллий қадриятларни янги авлодларга ўтказишнинг асослари тадқиқ этилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда оила институтининг ролини ошириш, уларнинг шахсий ва касбий жиҳатдан муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилиб, социология, маданиятшунослик, фалсафа, педагогика, психология каби фанлар мазмунининг бойишига таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда шахс равнақи, унинг комиллиги ва инсон капитали масаласи таълим ислоҳотларининг бош мақсадига айланиб, оилавий тарбиянинг инсон маънавияти асоси сифатида оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида ёшларга жамиятдаги ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, улар касбий рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятлари кенгайди. Бугунги кунда ота-оналарда фарзандларини касбга йўналтириш бўйича педагогик маданиятни ривожлантириш зарурати юзага келмоқда. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларида «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, замонавий оилани ривожлантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, намунали оиланинг мезонларини белгилаш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада оилада ёшларни касбий ижтимоийлаштиришнинг ментал-этнопедагогик хусусиятларини таҳлил этиш, оилавий миллий тарбиянинг ташаббускорлик функциясини аниқлаштириш, шахсга йўналтирилган тарбия жараёнининг ташкилий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони. –Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.02.2018 й., 06/18/5325/0653-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

тузилмасини оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик тизими асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин - қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 229-сон Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда шахс маънавияти ва унинг комиллигини шакллантириш муаммолари фалсафий, сиёсий, тарихий, социология ва педагогика нуқтаи назаридан ўрганилган. Хусусан, шахс ва унинг шаклланишининг педагогик-психологик ва маънавий аспектлари М.Очилов, К.Хошимов, Р.Жўраев, О.Мусурмонова, С.Нишонова, М.Махмудова, У.Маҳкамов, М.Иномова, М.Қурононов, С.Очилов, Н.Ортиқов, Ш.Халилова, С.Шодмонова, Ш.Олимовлар, ижтимоий тарбия, шахс ижтимоийлашуви, шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришнинг педагогик асослари М.Қурононов, Ш.Содиқова, Ф.Мустафаева, Н.Эгамбердиева, З.Қурбонниёзова кабилар томонидан ўрганилган. Ёшларни касбий шакллантириш, касбий маҳорат, касбга йўналтириш масалалари Р.Жўраев, У.Нишоналиев, Э.Чориев, Н.Шодиев, Ш.Шарипов, Н.Саидахмедов, Н.Муслимов, К.Мирсаидов, К.Зарипов, Ж.Йўлдошев, Б.Нуриддинов, А.Акмалов, А.Тўраев, С.Ражабова, С.Умаров, Г.Исаева, Н.Акбаровларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Талабаларни касбий ижтимоийлашуви масаласи Н.М.Эгамбердиева, З.Т.Салиева, З.М.Махмудовлар томонидан маҳсус тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан И.С.Кон, А.Мудрик, А.И.Ковалева, В.В.Орлова кабилар ижтимоийлашувнинг назарий асосларини тадқиқ қилишган, Е.Домбровская, В.Бельц, А.Абуталимова, Т.Купач, В.Дубинский, А.Сапожников, Г.А.Мисюрин, Ф.Р.Мирзоева кабилар ёшлар ва ўспиринлар ижтимоийлашуви жараёнининг миллий-ментал хусусиятлари, ижтимоийлашув жараёнида оила ва мактаб ҳамкорлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган.

Ижтимоийлашув жараёнининг амалий-ташқилий жиҳатлари, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш психологик-педагогик хусусиятлари хорижлик

олимлардан Э.Чиноу, Ж.А.Слаузен, Харроу М. Жонсон, Д.Макквейл, Т.Парсон, Б.Парсон кабиларнинг тадқиқотлари учун объект сифатида хизмат қилган.

Бироқ ўзбек оилаларида ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг миллий-педагогик, этнопедагогик, ижтимоий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот, Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази режасининг №А-1-069 “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг шарт-шароитларини ўрганиш асосида оилавий тарбиянинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилада ёшларни касбий ижтимоийлаштиришнинг ментал-этнопедагогик хусусиятларини таҳлил этиш асосида оилавий миллий тарбиянинг ташаббускорлик функцияси мазмунини аниқлаштириш;

касбий ижтимоийлаштириш омилларининг ўзбек оилалари тимсолида намоён бўлишининг фактор таҳлилин аналга ошириш ва акмеологик моделини такомиллаштириш;

оилада касбий ижтимоийлаштиришнинг экзистенциал босим ўтказиш механизмини коррекциялаш асосида шахсга йўналтирилган тарбия жараёнининг ташкилий тузилмасини аниқлаштириш;

оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятидаги ўзбек оилаларида ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашдаги педагогик жараёнлар белгиланиб, тажриба-синов ишларида жами 243 та оиланинг 15-17 ёшли 523 нафар респондент ёшлари иштирок этишди.

**Тадқиқотнинг предмети** Самарқанд вилоятидаги ўзбек оилаларида ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлаш жараёнининг педагогик мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, назарий таҳлил, қиёсий-типологик ва аналитик метод, савол-жавоб, умумлаштириш, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оилавий миллий тарбиянинг ташаббускорлик функцияси мазмуни оилада ёшларни касбий ижтимоийлаштиришнинг анъанавий (меҳнат

тарбияси, ижтимоий-фойдали меҳнат) ва замонавий (оилавий тадбиркорлик, бизнесга ўргатиш) кўринишларини ментал-этнопедагогик хусусиятларга (устувор йўналишлари, шакллари, маросимлар, кадриятлар) кўра уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

касбий етукликка эришишнинг акмеологик тузилмаси касбий ижтимоийлаштириш омилларига (мега, макро, мезо, микро) таъсир этувчи ўзбек оилаларининг фактор таҳлили босқичларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ёшларни касбни онгли танлаш, касбий қизиқиш ва эҳтиёжларни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи витаген ёндашув элементлари (шахсий қобилиятлари, ҳаётий тажриба, воқеликни реал баҳолашга ўргатиш) оилада касбий ижтимоийлаштиришнинг экзистенциал босим механизмини коррекциялаш асосида такомиллаштирилган;

оилада ёшлар касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик имкониятлари ўқувчи-ёшлар билан ишлашнинг педагогик таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган микроҳудуд мониторингини юритиш (“StreetWork”), ижтимоий ишни ташкил этиш (“FamilyWork”) технологиялари лойиҳаларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

касбий ижтимоийлашувга доир ўзбек оиласи учун хос бўлган шарт-шароитлар, ментал хусусиятлар ва ечилиши лозим бўлган муаммолар қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик жиҳатдан ишлаб чиқилган ва мавжуд педагогик жараён илмий ҳолислик асосида баҳоланган;

ўзбек оиласида касбий ижтимоийлашувнинг назарий жиҳатларига доир қарашлар тартиблаштирилган, улардаги анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари белгиланган;

оилада ёшлар касбий ижтимоийлашувини таъминлашга доир инновацион таълим стратегияси белгиланган, унинг амалий-назарий модели такомиллаштирилган, оиладаги педагогик жараён модернизациялашган дидактик таъминот билан қуроллантирилган;

ўзбек оиласида касбий ижтимоийлашувни таъминлашга йўналтирилган педагогик шакл, восита, усул ва шарт-шароитлар педагогик экспериментдан ўтказилган ва самарадорлик хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ёшлар касбий ижтимоийлашувига доир илмий-назарий қараш ва ғоялар, жаҳон тажрибаси ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот шакл, восита ва усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил ёрдамида тадқиқот самарадорлигини тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида педагогика фани оилада касбий ижтимоийлашувни таъминлашга оид назарий ёндашув, ғоялар, тавсиялар билан бойитилган, мавжуд оилавий тарбия тизими мазмуни янги қарашлар билан такомиллаштирилган, оилавий тарбия тизими фаолиятини жамиятдаги туб ўзгаришлар жараёнига мақсадли йўналтириш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган.



Шунингдек, билдирилган тавсия, ишланма ва қарашлардан оилавий таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш, мутасадди бўлган тузилмалар маънавий-маърифий фаолиятини самарали ташкил қилиш, оилавий таълим-тарбия бўйича китоб, қўлланма ва ўқув материаллари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

оилавий миллий тарбиянинг ташаббускорлик функцияси мазмуни, оилада ёшларни касбий ижтимоийлаштиришнинг анъанавий (меҳнат тарбияси, ижтимоий-фойдали меҳнат) ва замонавий (оилавий тадбиркорлик, бизнесга ўргатиш) кўринишларини ментал-этнопедагогик хусусиятлари (устувор йўналишлари, шакллари, маросимлар, кадриятлар)га доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони ижроси доирасида умумий ўрта таълим мактабларининг VIII-X синфларида ўқитиладиган “Оила этикаси ва психологияси” ўқув предмети мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 01-02/2-2-159-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув предмети мазмуни ёшларни замонавий касбларни танлашга йўналтириш бўйича шахсий қарорларининг мақсадли, англаган ва турғун характерга айланиши, замонавий янги ёндашувлар негизига қурилишига хизмат қилган;

касбий етукликка эришишнинг акмеологик тузилмаси, касбий ижтимоийлаштириш омилларига (мега, макро, мезо, микро) таъсир этувчи ўзбек оилаларининг фактор таҳлили босқичлари, витаген ёндашув элементлари (шахсий қобилиятлари, ҳаётий тажриба, воқеликни реал баҳолашга ўргатиш), оилада касбий ижтимоийлаштиришнинг экзистенциал босим механизмини коррекциялашга доир таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Самарқанд вилоят бошқармасининг 2018 йил 21 августдаги 8-сонли йиғилишида тасдиқланган “Оила-миллат ифтихори, эл-юрт таянчи, келажак пойдевори” мавзусидаги чора-тадбирлар режасининг 2-, 9-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 13 сентябрдаги 562-сонли маълумотномаси). Чора-тадбирлар доирасида ўтказилган махсус ўқув семинарлари ва тренинг дастурлари ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантириш, ўқувчиларда касбий таълим, унинг структураси ва касб танлашга оид шахсий-эмоционал муносабатни шакллантириш имконини берган.

оилада ёшлар касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик имкониятлари, тузилмаси ўқувчи-ёшлар билан ишлашнинг педагогик таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган микроҳудуд мониторингини юритиш (“StreetWork”), ижтимоий ишни ташкил этиш (“FamilyWork”) технологиялари лойиҳаларига оид таклифлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика

кенгашининг 2018 йил 18 августдаги 95-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фондининг 2018 йил 14 сентябрдаги 02-06/75-сонли маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилоятининг “Найман”, “Каттакўрғон”, “Беклар” ва “Фароғат” маҳаллаларида мақсадли тадбирлар, давра суҳбатлари, индивидуал иш, семинар-тренинглар ташкил этилиб, ота-оналар замонавий касблар, улар хусусиятлари, мамлакатимизда касбий таълим доирасидаги ўзгаришлар билан таништирилган ва уларнинг касбий ижтимоийлашув масаласидаги фаоллиги ва ташаббускорлиги оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 27 та, жумладан 11 та халқаро ва 16 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий ишлар, шулардан, 2 та ўқув-услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида касбий ижтимоийлашув тушунчаси, оилада ёшлар касбий ижтимоийлашувини таъминлашга доир илмий-назарий қарашлар таҳлили, уни таъминлашнинг амалиётдаги аҳволи ёритилган.

Касбий ижтимоийлашув (лот. socialis – ижтимоий) – шахснинг касбий шаклланиши жараёнини таъминлаш демакдир. Касбий ижтимоийлашув ижтимоий, фалсафий ҳамда психологик-педагогик категориядир. Касбий ижтимоийлашувни таъминлаш шахснинг касбий маънавий-ахлоқий сифатларини юзага келтириш шарт-шароитларини таъминлаш бўлиб, унинг таъминланиши мақсадли ва самарали ташкил этилган таълим-тарбия шарт-шароити ва жараёнида олиб борилади. Шахс ижтимоийлашуви қандай ижтимоий муҳит ва керакли касбга эга бўлиш шахс маънавий-ахлоқий камолоти, дунёқараши, ўз ижобий хусусиятларини жамлаб, жамиятда ўз касбий билим ва малакаларини амалий ишлата олиш, шунингдек ижтимоий-


тарихий жараёнларга бўлган фаол, креатив муносабат каби хусусиятларни англатади. Бугунги кунда ижтимоий тарбиянинг бош мазмуни ижтимоий функционаллик, яъни инсоннинг ижтимоий фаол бўлиб, ўз кадриятлари тизимини бутун жамият миқёсида муҳофаза қила олишига тайёрлашдир.

Профессор Н.Эгамбердиеванинг фикрига кўра, “Ижтимоийлаштириш – жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали хулқ, психологик механизм, социал норма ва кадриятларни ўзлаштириш жараёнидир”. З.Салиеванинг таърифига кўра, “ижтимоийлашув инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни”дир.

Бинобарин, касбий ижтимоийлашув жараёни - касб эгаллаш ва касбий йўналтириш асосидаги барча мавжуд ақидаларни ва замонавий қарашларни англаш, уларга таяниб яшаш, уларни ўз ҳаётида қайта шакллантириш ва жонлантириш жараёнларидан иборатдир. Бунда касбий ориентация ва касбга йўналтириш, ўзини тутиш, муносабат билдириш, психологик талаб ва кўрсатмаларни бажариш, касбий кадриятларни англаш ва қабул қилиш, маълум касбий билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш, ўз касбий эҳтиёжларини таъминлаш ва касбий мақсадларини рўёбга чиқара билиш тақозо этилади. Таъкидланган тушунчалар илк бор оилада шакллантирилади. Улар шахснинг жамият ҳаётига интеграцияси, яъни фаол яшашини таъминлаш мезонидир.

Сўнги йилларда замонавий мутахассисликлардан тренд-вотчер, IT–евангелист, мэппинг мутахассиси, агент–таъсир, ижтимоий медиалар бўйича менежер, постер, юзабилити мутахассиси, тестировка мутахассиси, “узокда жойлашган манзил” каби янги иш ўринлари юзага келган. Нанотехнология, ген муҳандислиги, IT–замонавий мутахассисликларга бўлган талаб тўла қопланмаётган бўлиб, уларга бўлган дефицит мавжуд. Машҳур корпорацияларнинг танловларида бир ўринга бир номзод қатнашмоқда. Ахборот технологиялари мутахассисларидан C (C, C++, C#), Java, Delphi, php тилларини пухта билиш талаб этилмоқда. Шу билан бирга, замонавий мутахассисдан ижтимоий жиҳатдан коммуникативлик, гуруҳларда ишлай олиш қобилияти, ўз ҳиссасини умум ишига қўша билиш, креативлик, эффективлик, натижалиликка йўналтирилганлик, технологик ва инновацион тафаккур каби талаб этилмоқда. Диссертацияда ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг институционал ва функционал тизими қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди (1-расм).

Оилада фарзанднинг иқтидори ва лаёқатини аниқлаш учун қатор психологик-педагогик талабларни бажариш лозим. Улар: фарзанднинг ўзини тутиши ва фаолиятини комплекс баҳолаш, фарзанд қобилияти ва табиий лаёқатларини ташхислаш, иқтидорни белгилаш усулларини қўллаш, идентификациялаш, ўз иқтидорига фарзанднинг муносабати ўзгариши мумкинлиги, турлича бўлишини англаш, фарзандни давомий ва мақсадли кузатиш, боланинг қизиқиш ва лаёқатларига мос келадиган фаолиятини ташкил қилиш, уни таҳлил қилиш ва турли ўйин-машғулотларга жалб эта олиш, фарзанд иқтидори учун ривожлантирувчи педагогик муҳит яратиб бериш, фарзандни рағбатлантира олиш, иқтидорни белгилашда экспертлар



1 – расм. Касбий ижтимоийлашувни таъминлаш тизими

ёрдамидан фойдаланиш, фарзанднинг индивидуаллигини ҳисобга олиш, диагностика усулларини қўллаган ҳолда ташхис қилишнинг кўп босқичли ва такрорий усулларидан фойдаланиш, иқтидор ташхисини реал фаолият доирасида амалга ошириш кабилардан иборат.

Диссертациянинг **“Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлаш шарт-шароитлари ва инновацион тизими”** деб номланган иккинчи бобда касбий ижтимоийлашувни таъминлашга доир Шарқ алломаларининг қадриятлари, таълим ва тарбия стратегиясини аниқлашда халқ педагогикаси, касбий ижтимоийлашувнинг инновацион шакл, усул ва воситалари масалалари кўриб чиқилган.

Инсоният маънавий қадриятларига айланган “Калила ва Димна”, “Синдбоднома”, “Минг бир кеча”, “Қобуснома”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Гулистон” ва “Бўстон”, “Баҳористон”, “Шоҳнома”, “Донишнома”, “Саодатнома”, “Сиёсатнома”, “Рушнома”, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит-турк”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Ахлоқи Жамолий”, “Хамса” каби асарларда инсоният этик-эстетик қадриятлари тизимида меҳнат тарбияси, касбу ҳунарларни эгаллаш талаби ва уларнинг жамият ҳаётида тутган аҳамияти, фарзандларни касбий тарбиялаш мажбуриятлари эътиборли ўрин олган. Шарқ маданиятининг буюк энциклопедист олимлари, мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино кабилар ҳаётга реалистик назар ташлаб, касбу ҳунарга эга бўлишликни муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири деб ҳисоблашган. Уларнинг қарашларига кўра, касбу ҳунар эгаллашда устоз ўрни муҳим бўлиб, касб ва ҳунар танлашда жамоа эҳтиёжлари ва оила анъаналарини эътиборга олиш зарур. Шунингдек ислом маданияти ва исломий илмларнинг буюк намоёндалари Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Замахшарий, Имом ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғилоний, буюк мутасаввуфлар Нажмиддин Қубро, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Сўфи Оллоёр кабилар ижодида касбу ҳунар борасидаги тафаккур ўз ифодасини топган бўлиб, улар асарларида, айниқса Ҳадисларда ҳунарли кишининг мартабаси жуда улуғланади, ўз меҳнати билан ҳалол лукма ейишлик тарғиб-ташвиқ этилади.

Масалан, Маҳмуд Қошғарий айтадики, илм олим ва устозлардан олинади, улардан турли ҳунарлар ўрганилади, аммо ҳунар ўрганишнинг ўзи камлик қилади, ҳунарни олгандан сўнг, унинг қоидаларига амал қилиб яшамоқ жоиз.

Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий эса олимларни пайғамбарларга тенглаштириб, олимларнинг мартабасини жуда улуғ тутди, олимларда пайғамбарлар сифатларини кўради.

Халқ педагогикаси халқ маънавияти ва маданиятининг узвий таркибий қисми саналади. Халқ ўз урф-одатлари, қадриятлари, менталитети таркибида ҳар вақт қандай қилиб ёш авлодни тарбия қилмоқ лозим, қандай қилиб уларга ахлоқий нормаларни сингдириш мумкин деган саволга ўз жавобларини бериб, уларни авлоддан-авлодга одат, русум, қадрият сифатида етказиб

келган. Халқ педагогикаси ўз фаолиятини педагогик дидактика тамойиллари асосига қуради. Дидактика – бу таълим-тарбия бериш илми ва санъати бўлиб, халқ педагогикаси кўпроқ тарбия санъати даражасида иш кўради. Ўзбек халқи ижодиётида касбу ҳунар борасидаги халқ тафаккури қуйидаги формула асосида иш кўради:

**илм + касб + ҳунар + устоз + меҳнат + машаққат + роҳат =  
фаровонлик**

Тадқиқотда халқ ҳунармандчилиги ва касбий йўналишларининг аҳамияти кўрсатиб берилган ва касбий ижтимоийлашув, касб танлаш, касбга тайёрлаш, касбга йўналтириш борасидаги қарашлар тизимлаштирилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Касбий ижтимоийлашувнинг таркибий қисмлари ва уларнинг хусусиятлари

Тушунча	Унинг мазмуни	Мавжуд фарқлар
Касбга йўналтириш	Бош мазмун – индивид тафаккурида касблар тўғрисидаги кенг, ранг-баранг ва зарур ахборотларни шакллантириш, касб турларига нисбатан индивиднинг шахсий муносабатини шакллантириш, муҳими индивидни маълум касбий йўналишлар ва касб турларига йўналтирилган тафаккурини ижобий нуқтаи назардан қарор топтириш, индивиднинг маълум касбий йўналишлар борасидаги қизиқиши, интилиши ва эҳтиёжини вужудга келтириш. Педагогик мазмун – индивидни бирор касб турини эгаллашга даъват этиш ҳамда унинг педагогик шарт-шароитларини яратиш, “ёшларда келажакда ўз касбларини аниқлаб олишлари учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш-техник тадбирларнинг асосланган тизими”.	Сайъи-ҳаракат касбга йўналтирилган, индивид ўз истак-хохишларига нисбатан аввалига пассив ҳолатда, индивид ҳали аниқ ва тўлиқ қарор қилиш вазиятига етиб келмаган, касб ўз ҳолича, индивид ўз ҳолича, педагогик жараён шакллантириш фаолияти билан эмас, балки йўналтириш билан шуғулланади.
Касб танлаш	Бош мазмун – мавжуд касб турлари ичида бирортасини танлаш жараёни. Педагогик мазмун – индивидни мавжуд касблар ичида бирортасини ўз иштиёқи, истеъдоди ва лаёқатига мутаносиб тарзда танлашга ўргатиш.	Сайъи-ҳаракат касб борасида, касбга нисбатан актив позиция мавжуд, индивиддан ҳам активлик талаб этилади, индивид аввалгига нисбатан бироз активлашган, у маълум бир қарорни қабул қилиши талаб этилади, аммо ҳамон касб ўз ҳолича, индивид

		ўз ҳолича мавжуд, педагогик жараён индивидга нисбатан ёрдамчи ролида.
Касбга тайёрлаш	<p>Бош мазмун – индивиднинг маълум бир танланган касб бўйича билим, кўникма ва малакалари мазмуни нималардан иборатлигини белгилаш, мазкур касбнинг мавжуд сир-асрорлари тўғрисидаги ахборотларни индивид учун тўлиқ бериш ва уни мазкур касб эгасига айлантириш.</p> <p>Педагогик мазмун – индивиднинг маълум бир танланган касб бўйича билим, кўникма ва малакаларини мос равишда ҳар томонлама педагогик жараёнда шакллантириш, индивиднинг маълум касб эгасига айланиш педагогик жараёнини ташкил қилиш ҳамда унинг касб эгаси бўлиши учун зарур бўлган барча педагогик амалларни бажариш, индивиднинг касб эгасига айланиш педагогик жараёнининг тизимини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.</p>	<p>Сайъи-ҳаракат бевосита касб тўғрисида, касб атрофидаги жараён ҳам, индивиднинг ўзи ҳам фаоллашган, касб, индивид ва педагогик жараён ўзаро бирлашган, улар боғланган, педагогик жараён бош унсурга айланган, индивид педагогик мақсадни шакллантиради, педагогик жараён сифатидан индивид истиқбол тақдири белгиланади.</p>
Касбий ижтимоийлашув	<p>Бош мазмун – касб эгаси бўлиши учун индивидни жамият тараққиёти билан мутаносиб ва мос равишда тарбия қилиш, касбий эгаллик лаёқати орқали индивиднинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш, индивиднинг жамиятга касбий фойда келтира олиш жараёнини ташкил қилиш, индивиднинг ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини ўзи, ўз оиласи ва ўз мамлақати равнақи ва тараққиёти учун ишлата олишини таъминлаш.</p> <p>Педагогик мазмун – касб эгасининг шаклланишида касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш аслида индивидни жамият ҳаётида фаол яшашини таъминлаш эканлиги англанади ва мана шунга сайъи-ҳаракат қилинади, яъни педагогик шарт-шароит яратилади, педагогик жараён иштирокчиларининг педагогик вазифалари ҳажми, улар мазмуни белгиланади. Касбий ижтимоийлашув – индивид ҳаётининг ижтимоий субъект сифатида жамият тараққиёти билан узвий алоқадорлигини таъмин этувчи педагогик жараёндир.</p>	<p>Сайъи-ҳаракат шахс, унинг касби билан жамият манфаатларини бирлаштириш асосида ташкил қилинган, шахс ва унинг касби мазкур шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ташкил қилиш ва кўтаришга хизмат қилиши, жамият эса шахс касби орқали тараққиётни режалаштира олади ва амалга ошира олади, ўзаро манфаатлар уйғунлиги вужудга келган, шахс касб орқали ижтимоий муҳим, долзарб ва зарур вазифаларга тайёр бўлади, оила ижтимоий институт сифатида ўз ролини тўлиқ бажаради.</p>

Диссертациянинг “Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашда педагогик тизим самарадорлиги” номли учинчи бобида

оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашда тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ўрганилган.

Тадқиқотда касбий ижтимоийлашувнинг механизмлари ижтимоий–психологик ва ижтимоий-педагогик турга бўлинган. Ижтимоий–психологик механизмлар қаторига импринтинг (кўникма, қадриятларнинг акс этиши), экзистенциал босим (кўникма, қадрият, билим ва малакаларнинг фаолиятда намоён бўлиши), тақлид қилиш, рефлексия (ўз-ўзини назорат қилиш) кабилар киритилган. Ижтимоий-педагогик механизмларга: стихияли, яъни анъанавий ижтимоийлашув; институционал механизм; яшаш тарзи асосига қурилган механизм; шахслараро мулоқот асосига қурилган механизмлар киради.

Ижтимоийлашув даражалари – биринчи даражадаги ижтимоийлашув ва иккинчи даражадаги ижтимоийлашув сифатида белгиланди. Инсонга энг яқин бўлган ижтимоийлашув жараёнлари биринчи даражани ташкил қилади. Масалан, ота ва она, қариндош, кўни-кўшнилари ва бошқалар. Оилада касбий ижтимоийлашувни шакллантириш – биринчи даражадаги ижтимоийлашувга киради. Иккинчи даражадаги ижтимоийлашув инсонга жуда катта таъсир кўрсатади ва жуда кучли омил бўлиб хизмат қилади. Оилада касбий ижтимоийлашувни таъминлашдаги фаолият тадқиқотда икки бўлим, ота-она фаолияти ҳамда фарзанд фаолиятдан иборат қилиб белгиланди.


Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик мазмуни куйидагича белгиланди (2-расм).

Шундай қилиб, оилада касбий ижтимоийлашув – шахснинг касб эгаси сифатида шаклланиш ва ўз имкониятларини жамият тараққиёти билан узвий алоқадорликда намоён эта олиш жараёнидир. Тадқиқотда куйидаги касбий-ижтимоий инфраструктураларни ажратдик: ташқи инфраструктура, яъни оила ва оилавий муносабатлар, таълим даргоҳлари, турли мутасадди ташкилотлар ва ижтимоий институтлар фаолияти, ОАВ, интернет, шунингдек тарбия маскани сифатида “кўча”; ички инфраструктура сифатида турли касбга йўналтирилган қараш, гоё, қадрият, ҳаётий ва маънавий тажриба, фикр, тафаккурларнинг инсон ҳаётида намоён бўлиши ва уларнинг функционаллик даражаларини англатади.

Мақсадли ташкил этилган педагогик муҳит ва шарт-шароитлар тадқиқот субъектларининг махсус жараёнда билим ва кўникмаларни қабул қилиши, ўрганиши ва синаб кўриши учун қулай шароит ва муҳит яратиши тажриба-синов ишлари учун асос қилиб олинди. Бунда тадқиқот субъектлари ҳиссий-эмоционал, ахлоқий норматив ва интеллектуал имкониятларининг ўзаро интеграцияга киришиши ҳамда юқори талаб ва сифат даражасига етиши учун махсус педагогик муҳит ташкил қилинди. Шундай қилиб, мавжуд аҳволни янада яхшилаш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш имконияти яратилди.



# ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯХЛИТ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ



2-расм. Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг яхлит педагогик мазмуни

Педагогик жараён шундай мақсадли ташкил этилгандагина оила муҳити, оила аъзолари ахлоқи, феъл-атвори ва турмуш тарзида миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида касбий ижтимоийлашувни таъминлаш учун шароит яратилган бўлиши лозимлиги аниқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Тадқиқот экспериментал босқичи натижалари

Мезонлар	Респондентлар сони (фоизларда)					
	Юқори		Ўрта		Паст	
	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба Гуруҳи
ОЁКИТПА мезонлари	1	39	60	82	199	142
ОЁКИТ даражаси	2	38	58	90	200	135
ОЁКИТПА зарурияти	8	40	59	83	193	140
ОЁКИТ педагогик мазмуни	14	41	56	85	190	137
ОЁКИТ мақсадлари	17	39	52	90	191	134
ОЁКИТ бўйича касблар реестри	1	38	62	88	197	137
ОЁКИТПАга доир замонавий касблар	4	39	61	89	195	135
ОЁКИТПА янги касбларга доир билимлар	9	38	60	90	191	135
ОЁКИТга оид оилавий тадбирлар	0	43	62	98	198	122
ОЁКИТнинг педагогик шакллари	7	41	55	91	198	131
ОЁКИТнинг педагогик шарт-шароитлари	6	36	61	86	193	141
ОЁКИТнинг усуллари	0	36	66	89	194	138
ОЁКИТнинг усуллари	1	31	63	90	196	142
ОЁКИТПА шаклланганлик мезонлари	0	33	65	95	195	135
Жами:	70	532	840	1246	2730	1904
<b>Ўртачаси:</b>	<b>5</b>	<b>38</b>	<b>60</b>	<b>89</b>	<b>195</b>	<b>136</b>

Тадқиқотдан олдин ва тадқиқот ўтказилгандан сўнг олиб борилган статистик маълумотларнинг қиёсий ўрганилиши тадқиқот жараёнида ОЁКИТ 14,1 фоиз ўсганлигини кўрсатди.

Оилаларда ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлаш бўйича билим даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 523 нафар ёшлар қатнашди, шулардан 263 нафари тажриба гуруҳида ва 260 нафари назорат гуруҳида қатнашдилар.

Жадвал асосида тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотезани танлаймиз ҳамда куйидаги жадвалда акс эттирамиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Оилаларда ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлаш бўйича самарадорлик даражаси (тажриба-синов ишларидан олдин)

№	Гуруҳлар	Даража кўрсаткичлари		
		Юқори	Ўрта	Паст
1.	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 263$ нафар	0	54	209
2.	Назорат гуруҳлари $n_2 = 260$ нафар	0	52	208

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва респондент-оила ёшлари сонини мос равишда  $X_i, n_i$  лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса  $Y_j, n_j$  лар орқали белгилаб олиб, куйидаги статистик гуруҳларга ва вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0; & 54; & 209; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 263$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0; & 52; & 208; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^3 m_i = 260$$

